



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ



БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2023 йил-10 июнь

Бухоро - 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛАРИ

2023 йил – 10 июнь

Бухоро - 2023

~ 2 ~

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2023 йил 10 июнь** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГИ ДАВРГАЧА)** мавзусидаги халқаро микёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

Масъул муҳаррир:

БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Х.Х.Тўраев

Таҳрир хайъати ва аъзолари:

Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор	О.Х.Ҳамидов
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, физ-мат ф.д (DSc), проф	Т.Ҳ.Расулов
Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудир	Ф.У.Темиров
Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори	И.С.Иноятов
Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори	Ш.А.Ҳайитов
тарих фанлари номзоди, доцент	М.Б.Қурбонова
тарих фанлари номзоди, доцент	М.И.Ниязова
тарих фанлари номзоди, доцент	Ф.Ҳ.Бобожонова
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)	И.Н.Наимов
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)	А.Х.Болтаев
Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси	О.И.Ражабов
Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси	Ш.Ў.Носиров

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудир
Умаров Б.Б. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси
Носиров Ш.Ў– Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2023 йил 15 майдаги
7 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,
маълумотлар, чиқарилган хулосалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг
ўзлари масъул ва жавобгар*

БУХОРО АМИРЛИГИДА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЗАРГАРЛИК ВА ЗАРДЎЗЛИК СОҲАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.

*Қудратов Шухрат Ёдгорович . – БухДУ,
катта ўқитувчиси.(PhD)*

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухорода хунармандчиликнинг энг тараккий этган соҳаларидан бири заргарлик бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро, Нурота, Бойсун, Шеробод, Китоб каби шаҳарларнинг заргар усталари тайёрлаган буюмлар сифатли ва чиройли бўлган. Бухоро шаҳрининг ўзида 400 га яқин заргар фаолият олиб борган бўлиб, уларнинг кўпчилигининг Токи заргарон савдо расталарида ўз дўконлари бўлган. Қарши беклигида ҳам кўплаб заргарлар истикомат қилган ва аёллар учун олтин ва кумушдан чиройли тақинчоқлар ясаб, қимматбаҳо тошлар билан безаганлар⁷⁰⁰. Бухорода заргарликни санъат даражасига кўтарган машҳур усталар Уста Ҳоди Назир, Уста Имомкул Амир Музаффар даврида; Уста Қори Шариф Тўксабо, Уста Насриддин, Уста Камолиддин, Уста Абдунаби, Уста Ҳожи Исокул, Уста Ёдгорхўжа, Уста Мирак Амир Абдулахадхон даврида; Уста Насриддин Тўксабо, Уста Абзал, Уста Астархон, Уста Садриддин, Уста Амирхўжа, Уста Миржалол, Уста Қилич Наим, Уста Ниғмонхўжа, Уста Миррозиқ, Уста Маъруф, Уста Баҳром Маъруф, Уста Мухтор Муксим, Уста Қосимжон Мираклар эди⁷⁰¹.

Заргарлар нафақат аёллар учун, эркаклар учун ҳам узуклар ясаганлар. Буюртмачининг истагига кўра, узукнинг кўзи ўрнига муҳр ўрнатиб беришган. Бундай узук муҳрларни барча давлат идораси амалдорлари тақиб юришган. Муҳр кўзли узук тайёрловчи заргарлар муҳрканд деб аталган⁷⁰².

Заргарлар тақинчоқларга асосан, кизил, кўк, яшил рангли қимматбаҳо тошлардан фойдаланганлар. XIX аср охирида Бухорода Истамбулдан турли хил сунъий тошлар, Эрондан сунъий феруза, кейинчалик Москвадан сунъий тошлар олиб келинган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухорода ривожланган хунармандчилик соҳаси зардўзлик эди. Мазмуни жихатдан халқчил бўлган ва қимматбаҳо матодан тайёрланадиган зардўзи кийимлар маҳаллий аҳолининг турли табақалари ўртасида кенг тарқалган ипак ип билан кашта тикишга қараганда нозик дидни талаб қилган.

Зардўзликнинг тараккий қилишига унинг Бухоро ҳукмдорлари томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам сабаб бўлган. Айниқса, Амир Музаффархон, Амир Абдулахадхон ва Амир Саййид Олимхон даврида ушбу хунар тури анча тараккий этган⁸²¹. Амир саройида фаолият кўрсатган махсус хунармандчилик устахонасида моҳир зардўзлар буюртма асосида турли хил кийим-кечаклар, тўнлар, совғабоп

⁷⁰⁰ Массон М. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Ташкент. 1973. – С. 92.

⁷⁰¹ Затворницкая В. Ювелирные изделия Бухара. Ташкент, 1947. – С. 3–4.

⁷⁰² Фахриддинова Д. Ювелирное искусство Узбекистана. Ташкент, 1988. – С. 71. ⁸²¹ Остонова Г. Бухоро зардўзлари // Соғлом авлод учун. 2001. № 10-11. - Б. 32.

буюмлар тайёрлашган. XIX аср охири - XX аср бошларида амир саройида ва хусусий корхоналарда 300 нафардан 350 нафаргача зардўзи усталар меҳнат қилишган. Бухоро зардўзлари асосан Мирзабой, Миржон Али, Мирдўстимбой, Мачити беустун, Алоқабандан, Кўчабоғ маҳалларида истикомат қилишган. Мирдўстимбой маҳалласи “Гузари зардўзон” ҳам деб аташган⁷⁰³. Зардўзлик - ёпиқ касб бўлиб, усталар бу ҳунарни асосан ўз фарзанди ёки энг яқин қариндошигагина ўргатиши мумкин эди. Ушбу нафис ҳунаремандчилик санъати сирлари шу тарзда сақланган. Амир Музаффархон даврида Бухоро аркида бирта зўрдўзлик устахонаси мавжуд бўлган бўлса, Абдулахадхон даврига келиб, уларнинг сони иккитага етади. Сарой устахоналарида тайёрланган барча турдаги зўрдўзлик маҳсулотлари алоҳида рўйхат бўйича амирлик хазинасига топширилган. Хазинада эса ушбу буюмлар матосига қараб, 100 дондан ип билан боғланган ҳолда алоҳида тоқчаларга териб қўйилган. 1894 йили амир Абдулахадхон Карманага кўчиб ўтгач, аркдаги зардўзлик корхонаси ҳам мазкур шаҳардаги Чорбоғтул саройига кўчирилган. Зардўз Нўмонжон Аминовнинг хотирлашича, бу ерда унинг отаси Аминжон раҳбарлигида 20 тадан 40 тагача тажрибали усталар фаолият кўрсатган⁷⁰⁴.

1915 йилда Амир Олимхоннинг буйруғига кўра, кўшбеги Мирзо Урганжий ва қозикалон Бадриддин уйларида зардўзи кийимлар тайёрловчи подшолик устахонаси очилади. Бу устахоналар кўшбеги ва қозикалон ихтиёрида бўлиб, 20-40 нафар киши ишлаган. Устахонада тажрибали уста бошчилик қилиб, у устакор деб аталган. У устахонадаги барча ишлар учун масъул шахс ҳисобланган. Зардўзларга ишни тақсимлаган, буюртмаларнинг бажарилиши муддати ва иш сифатини кузатиб борган, тикиш учун зарур ашёларни тарқатган⁷⁰⁵.

Бухоро шаҳрида подшолик зардўзлик устахоналаридан ташқари хусусий устахоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг сони 25 тани ташкил қилган. Шаҳардаги Ҳаёт оқсоқол, Саъдулло оқсоқол, уста қори Ҳасанга қарашли йирик хусусий устахоналарда 15-20 нафардан усталар ишлашган. Амир Музаффархон даврида подшолик устахоналарида нима тикилса, хусусий устахоналарга ҳам шундай зардўзи буюмлар тайёрлашга рухсат берилган. Аммо Амир Абдулахадхон уларга сарой аъёнлари ва амалдорлар қиядиган кийимлар тикишни тақиқлаб қўйган⁸²⁵. Зардўзлик кийимлари Бухоро шаҳри ва бекликлардаги бозорларда жуда харидоргир бўлган.

Хуллас, Бухоро амирлигида XIX аср охири – XX аср бошларида ҳунаремандчиликнинг заргарлик ва зардўзлик соҳалари тараққий этган эди. Қўл меҳнатига асосланган бу меҳнат тури саноат корхоналари ва маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар вужудга келиши натижасида инкирозга юз тутди. Аммо Бухоро ҳунаремандлари тайёрлаган барча турдаги жумладан, заргарлик ва зардўзлик маҳсулотлари сифати, чидамлилиги билан машҳур бўлган. Аҳолининг доимий эҳтиёжи ҳисобга олиниб тайёрланган бу турдаги буюмлар Бухоро шаҳри ва бекликлар савдо марказларида харидоргир бўлган. Уста ҳунаремандларнинг бир қисми тайёрлаган

⁷⁰³ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). - Ташкент:

Изд. Ан УССР. 1958. - С. 94.

⁷⁰⁴ Аминов Н. Зардўзликдан топдим бахтимни // Фан ва турмуш. 1987. № 9. – Б. 8-9.

⁷⁰⁵ Гончарова П. Бухоро зардўзлик санъати. Тошкент. 1986. – Б. 13. ⁸²⁵ Гончарова П. Бухоро зардўзлик санъати. – Б. 15.

маҳсулотини бозорда ўзи сотса, айримлари улгуржи нархларда олиб сотарларга тақдим этарди Тадбиркорликнинг бу кўриниши амирлик аҳолисининг катта қисмининг меҳнат билан бандлигини таъминлаган ва мамлакат иқтисодиётида ҳам муҳим ҳисобланган.